

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича эълон.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025-йил 14-апрелдаги “Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида Бурҳониддин Марғиноний маърифий маънавий туризм мажмуаси ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектлари, автомобил йўллари, ичимлик суви ва оқава сув, табиий газ ва электр тармоқларини қуриш ишларини жадаллаштириш тўғрисида”ги 233-Ф сонли махсус фармойишига асосан, Марғилон шаҳар, Наврўз МФЙдаги “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудидаги Саноат зонасининг ташқи электр таъминоти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун, очиқ танлов билан **энг яхши таклифларни танлаш** орқали тижорат таклифларини қуйидаги талаблар асосида конверт кўринишида қабул қилади.

- 1. Жамият томонидан тақдим этилган бошланғич нарх калькуляцияси асосидаги тижорат таклифи.**
- 2. 2024 йил якуни бўйича молиявий фаолиятнинг тасдиқловчи ҳужжатлари.(баланс, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот)**
- 3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ариза.**
- 4. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун кафолат шартлари бўйича мажбуриятнома.(кафолат хати)**

Жамият томонидан танловга илова қилинадиган ҳужжат.

Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун дастлабки ҳисоб китоблар асосидаги бошланғич қиймат калькуляцияси.

Энг яхши таклифларни танлаш бўйича очиқ танлов Фарғона ш. Кувасой кўча 74-а уйда жойлашган “Фарғона ХЭТК” АЖ мажлислар залида 09.06.2025 йил куни соат 10-00 да ўтказилади.